



« 03 » август 2021-j.

№ 03-01/03-3514

« ____ » _____ 2021 у.

**Нукус шаҳри, Қораўзак, Қўнғирот,
Мўйноқ, Тахиатош, Тахтақўпир, Хўжайли
ва Эллиққалъа туманлари халқ таълими
бўлимлари бошлиқларига**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги “Юқори синф ўқувчиларини вариатив ўқув режа асосида махсус касбий тайёргарлик талаб қилмайдиган мутахассисликлар бўйича қисқа муддатли курсларда ўқитишни ташкил этиш тўғрисида”ги 18-сонли буйруғига асосан Oracle компанияси билан ҳамкорликда информатика фани ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар учун “Java Foundation” ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, ушбу ўқув курслари 2021-2022 ўқув йилида ҳам давом эттирилиши режалаштирилган.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти топшириғига кўра, 1-иловада келтирилган маълумотномадаги талаблар асосида, халқаро онлайн тренинг курсларда иштирок этиш учун тасарруфингиздаги информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган мактабдан 1 нафар салоҳиятли ва ташаббускор информатика фани ўқитувчиси ва шу мактаб директори ҳақидаги ҳамда бошқа тегишли маълумотларни 2-иловада келтирилган намунавий жадвал кўринишида **жорий йилнинг 9 август санасидан кечиктирмасдан** вазирликнинг АКТ бўлимига тақдим этишингизни сўрайман.

Илова: электрон кўринишида.

Вазир ўринбосари

Ш.Тажимуратов

Ижрочи: Р.Худайбергенов
Тел: 93 485 17 51

Xalq ta'limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havolalar orqali xabardor bo'lishingiz mumkin



www.uzedu.uz



t.me/uzedu




facebook.com/uzedu



instagram.com/uzedu.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

100011, Toshkent, Navoiy ko'chasi, 2a-uy
Tel.: (+998) 71 241-01-86; (+998) 95 479-99-08
web-site: www.uzedu.uz, e-mail: uzedu@exat.uz



MINISTRY OF PUBLIC
EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

2a, Navoiy Street, Tashkent, 100011
Tel.: (+998) 71 241-01-86; (+998) 95 479-99-08
web-site: www.uzedu.uz, e-mail: uzedu@exat.uz

2021-й. 29 январь

№ 06-06/4-566

«__» _____ 2021 г.

Қорақалпоғистон Республикаси
халқ таълими вазирлиги, вилоят
халқ таълими бошқармалари ва
Тошкент шаҳар халқ таълими
бош бошқармаси ҳамда вазирлик
тасарруфидаги таълим
муассасаларига

Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги “Юқори синф ўқувчиларини вариатив ўқув режа асосида махсус касбий тайёргарлик талаб қилмайдиган мутахассисликлар бўйича қисқа муддатли курсларда ўқитишни ташкил этиш тўғрисида”ги 18-сонли буйруғига кўра Oracle компанияси билан ҳамкорликда информатика фани ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар учун “Java Foundation” ўқув курслари ташкил этилди. Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга дастурлаш бўйича халқаро даражадаги сертификат берилди. Мазкур тренинглари 2021-2022 ўқув йилида ҳам давом эттиришрежалаштирилган.

Шу муносабат билан, Сиздан иловадаги маълумотнома билан танишиб жадвал намунасига асосан ахборот-коммуникация технологияларига ихтисослаштирилган ёки умумий ўрта таълим мактабларининг замонавий компьютер синфи, юқори тезликдаги Интернет, салоҳиятли ва ташаббускор информатика ўқитувчиси ва мактаб раҳбарияти фаолият кўрсатадиган мактаб ҳамда халқаро онлайн тренинг курсларида иштирок этиш учун номзодлар ҳақида маълумотларни жорий йилнинг 10 август кунига қадар тасдиқланган ҳамда электрон (excel форматда) шаклларда вазирликнинг Таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси бўлимига тақдим этишингиз сўралади.

Илова 2 варақда.

Вазир ўринбосари

В.Ражапов

Ижрочи: А.Мамадалиев
Тел.: (90)33-86-46



**Oracle компанияси билан ҳамкорликда 2021-2022 ўқув йилида ташкил
этилиши режалаштирилган ўқув курслари тўғрисида
маълумот**

2021-2022 ўқув йили давомида Oracle компаниясининг “Java Foundations” халқаро ўқув курсларини ташкил этиш режалаштирилган. Янги ўқув йилида тренинглар онлайн тарзда икки марта ташкил этилиб, ҳар бирида 50 нафардан Ўзбекистонлик ўқитувчи иштирок этиши белгиланган (жами 100 нафар).

Тренинг ўқув курслари халқаро тренерлар томонидан онлайн тарзда ўтказилиб, иштирокчилар Oracle академиясининг веб-платформаси орқали ўқув материалларини ўзлаштириши, мустақил ва назорат ишларини бажариши ҳамда якуний имтиҳонларни топширгач халқаро даражадаги сертификат олиш имкониятига эга.

Сўнгра вазирликнинг 2021 йил 29 январдаги 18-сонли буйруғига мувофиқ мактабнинг юқори синф ўқувчиларига “Фрилансинг” вариатив ўқув режаси асосида дастурлаш ва маълумотлар омбори махсус ўқув курсларини ўқитиб, улар мактабни битиргунига қадар касбга йўналтирилиши ҳамда замонавий мутахассислик – дастурчи-фрилансер сифатида зарур билим ва кўникмаларни эгаллаши таъминланади. Мактаб ўқувчиларига Oracle компаниясининг “Java Foundations” ўқув курсини фақат махсус тренингни муваффақиятли тамомлаган информатика ўқитувчилари ўқитиши мумкин бўлиб, курсни якунлаган ўқувчиларга ҳам тегишли сертификат берилиши кўзда тутилган.

Биринчи тренинг ўзбек, рус, инглиз тилларида ташкил этилиб, иштирокчилар 2021 йил **20 сентябрдан 31 октябрга қадар рўйхатдан ўтишлари керак**. Рус ва инглиз тилларини мукамал билмайдиган информатика ўқитувчилари мазкур тренинглар учун рўйхатдан ўтишлари мақсадга мувофиқ. Биринчи гуруҳ иштирокчиларига халқаро онлайн тренинглар **2021 йил 8 ноябрдан 2022 йил 14 мартгача** ташкил этилади.

Иккинчи тренинг рус ва инглиз тилларида ташкил этилиб, иштирокчилар 2021 йил **1 ноябрдан 2022 йил 17 январга қадар рўйхатдан ўтишлари керак**. Мазкур тренингда рус тилини етарли даражада биладиган информатика ўқитувчиларини номзод сифатида кўрсатишинргиз лозим. Тренинглар 2022 йил 31 январдан 6 июнга қадар ташкил этилади.

